

**Тўқимачилик, қоғоз, чарм саноатда қўлланиладиган бўяшни  
тезлаштирувчи ёки бўёқларни мустаҳкамлаш воситаларининг  
мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси  
ҳамда рақобат муҳити тўғрисида**  
**МАЪЛУМОТ**

Рақобат сиёсати ва истеъмолчилар хуқуqlари тадқиқотлар маркази томонидан ТИФ ТН кодлари 3809910000, 3809920000 ва 3809930000 остидаги тўқимачилик, қоғоз, чарм саноатда қўлланиладиган бўяшни тезлаштирувчи ёки бўёқларни мустаҳкамлаш воситалари (кейинги ўринларда - бўяшни тезлаштирувчи воситалар) товар бозоридаги рақобат муҳитини таҳлил қилиш ҳамда ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш бўйича ўрганилди.

Ўрганиш Миллий статистика қўмитасининг 2023 йил учун саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлар базаси ҳамда Божхона қўмитасининг импорт ва экспорт маълумотларига асосан ўтказилди.

**I. Бўяшни тезлаштирувчи воситаларнинг импорт ва экспорт ҳолати.**

Ҳисобот даврида **239 та** корхона томонидан **18 та** давлатдан қиймати **33,2 млн АҚШ долларига** тенг бўлган **12,8 минг тн** бўяшни тезлаштирувчи воситалар **импорт** қилинган. Импорт қилинган маҳсулотларнинг **83 фоизи – Туркия, 5 фоизи – Полша, 3 фоизи – Хитой, 9 фоизи** эса бошқа **15 та** давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Импорт асосида олиб келинган бўяшни тезлаштирувчи воситаларнинг ўртacha нархи **1 тн** учун **2,6 минг долларга** тўғри келган.

Импортнинг концентрация даражаси ўрганилганда энг йирик **5 та** импорт қилувчи корхона ҳиссасига жами импортнинг **28,3 фоизи** тўғри келган.

2023 йилда **10 та** корхона томонидан **4 та** мамлакатга қиймати **2,1 млн АҚШ долларига** тенг бўлган **323 тн** бўяшни тезлаштируvчи воситалар **экспорт** қилинган. Экспорт қилинган маҳсулотларнинг асосий қисми Россия (71 фоиз) ва Тожикистон (22 фоиз) ҳиссасига тўғри келади.

Экспорт қилинган мазкур маҳсулотларнинг ўртacha нархи **1 тн** учун **6,4 минг долларга** тўғри келган.

**II. Ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси.**

Миллий статистика қўмитаси ва Божхона қўмитасининг 2023 йил бўйича расмий статистика маълумотларига асосан ички бозорда ТИФ ТН кодлари 3809910000, 3809920000 ва 3809930000 остидаги бўяшни тезлаштируvчи

воситаларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси аниқланди.

*Маълумот учун, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорида белгиланган тартибда ҳисобланди.*

2023 йил давомида **7 та** хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қиймати **20 млрд сўмлик 655,4 тонна** бўяшни тезлаштирувчи воситалар ишлаб чиқарилган.

Мазкур маълумотлар асосида бўяшни тезлаштирувчи воситаларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси 2023 йилда **5 фоизни** ташкил этганлиги аниқланди.

*Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорига асосан товар бозори ҳажсимида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши 80 фоиздан кўп бўлганда бозор товар билан тўйинган ҳисобланади ва мазкур улуши ушибу қўрсаткичдан кам бўлганда товар билан тўйинмаган ҳисобланади.*

Республикада ишлаб чиқарилган бўяшни тезлаштирувчи воситаларнинг ўртача нархи **1 тн** учун **30,5 млн сўмга** (2023 йил ҳолатига 2,6 минг АҚШ долл.) тўғри келган.

### **III. Ички бозордаги рақобат ҳолати.**

Таҳлиллар доирасида бўяшни тезлаштирувчи воситаларни ишлаб чиқариш бозоридаги рақобат ҳолати халқаро тан олинган **ННІ** (Херфиндал-Ҳиршман индекси) ва **СР-3** қўрсаткичлари орқали баҳоланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар сони ва ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлари асосида **ННІ** индекси ҳисобланганда, индекс натижаси **2 480 пунктга** тенг бўлганлиги ва ушбу товар бозорида **рақобат муҳити етарлича ривожланмаганлиги** аниқланди.

*Маълумот учун: ННІ (Херфиндал-Ҳиршман индекси) бозордаги рақобат муҳитини баҳолаши ва концентрация даражасини аниқлаши учун фойдаланилади. Унга кўра, ННІ қўрсаткичи **0 дан 1500 пунктгacha** бўлганда **рақобат муҳити ривожланган**, **1500 дан 2500 пунктгacha** бўлганда **рақобат муҳити етарлича ривожланмаган**, **2500 дан 10 000 пунктгacha** бўлганда бозор **рақобат муҳити ривожланмаган** ҳисобланади.*

Шунингдек, ички бозорда бўяшни тезлаштируvчи воситаларнинг **СР 3** қўрсаткичи **79 фоизга** тенг бўлган.

**СР 3** қўрсаткичи – маҳаллий ишлаб чиқарии бозоридаги энг йирик **3 та** корхоналарнинг бозор улушлари йигиндисига тенг.

**ННІ индекси ва CR 3** кўрсаткичлари бўяшни тезлаштирувчи воситаларни ишлаб чиқариш бозорида **ракобат мұхити етарлича ривожланмаган бозор** деб таснифланишини кўрсатмоқда.

#### **IV. Хулоса.**

ТИФ ТН кодлари 3809910000, 3809920000 ва 3809930000 остидаги тўқимачилик, қоғоз, чарм саноатларида қўлланиладиган бўяшни тезлаштирувчи ёки бўёқларни мустаҳкамлаш воситаларининг тўйинганлик даражаси фақатгина **5 фоизни** ташкил этиши ҳамда ички бозорда мазкур маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилиги сабабли, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича **янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**



CCPRC.UZ